

## ЁШ МУЛКДОРЛАРНИНГ ЎРТА ВА КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11643187>

**Сиддиқов Нурали Нишоналиевич**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

[siddikovnurali918@gmail.com](mailto:siddikovnurali918@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада ёш тадбиркорлар ватан олдидаги маъсулияти масаласи ва мулкдорлик тушунчалари, ҳамда давлатимиз томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ёритилиб мустақил Ўзбекистонда янги қиёфадаги илғор ва ривожланган жамиятни қуриш ва <sup>халқ</sup> фаровонлигини ошириш, мамлакатни модернизациялашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ёшлар масъулиятини ошириш масаласи долзарб вазифалардан бирига айлангани, жамият ҳаётининг барча соҳаларида муттасил ўзгариш ва тадрижий янгиланиш тамойиллари асосида чуқурлашиб бораётган ислохотларни амалга оширишда ёш авлод вакилларининг ўрни ва роли ортиб бориши замонавий жамият қуришнинг устивор йўналишлари ёритилган.*

**Калит сўзлар:** Ёшлар, мулкчилик, бандлик, маъсулият, қадрият, ислохот, демократия, таълим- тарбия.

## СОЦИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ МОЛОДЫХ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ В СФЕРЕ СРЕДНЕГО И МАЛОГО БИЗНЕСА

**Сиддиқов Нурали Нишоналиевич**

Ташкентский государственный экономический университет

[siddikovnurali918@gmail.com](mailto:siddikovnurali918@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье рассматривается вопрос ответственности молодых предпринимателей перед Родиной и понятиями собственности, а также то, что наше государство уделяет этому вопросу особое внимание, вопрос повышения ответственности молодежи как один из Основные направления модернизации страны, построение нового передового и развитого общества в независимом Узбекистане, повышение благосостояния народа стали одним из актуальных приоритетных направлений строительства современного общества, повышения места и роли представителей выделено молодое*

*поколение в осуществлении углубляющихся реформ, основанных на принципах непрерывных изменений и постепенного обновления во всех сферах жизни общества.*

**Ключевые слова:** Молодежь, собственность, занятость, ответственность, достоинство, реформы, демократия, образование.

## **SOCIAL RESPONSIBILITY OF YOUNG ENTREPRENEURS IN THE FIELD OF MEDIUM AND SMALL BUSINESSES**

**Siddikov Nurali Nishonalievich**

Tashkent State Economic University

[siddikovnurali918@gmail.com](mailto:siddikovnurali918@gmail.com)

### **ANNOTATION**

*This article discusses the issue of the responsibility of young entrepreneurs to the Motherland and the concepts of property, as well as the fact that our state pays special attention to this issue, the issue of increasing the responsibility of youth as one of the main directions of modernization of the country, building a new advanced and developed society in independent Uzbekistan, increasing the welfare of the people has become one of the current priority areas for building a modern society, increasing the place and role of representatives of the younger generation in the implementation of deepening reforms based on the principles of continuous change and gradual renewal in all spheres of society.*

**Key words:** Youth, property, employment, responsibility, dignity, reforms, democracy, education.

### **КИРИШ**

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳаётнинг барча соҳаларини модернизациялаш, амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини янада ошириш, жамиятимиз қиёфасини замон талабларига мослаштириш энг устивор вазифаларга айланди. Бундай дориламон кунларда ана шундай улуғвор вазифаларни ва эзгу амалларни бажаришга қодир ва ўз мустақил фикри ҳамда замонавий дунёқарашга эга бўлган, янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Шу сабабдан ҳам, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу соҳани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу соҳа ички бозоримизни истеъмол товарлари билан тўлдиришда, аҳолининг иш билан бандлиги ва унинг даромадларини оширишда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бу нуқтаи назардан, истиқлол туфайли Ўзбекистонда бошланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий туб бурилиш, жамиятни янгилаш жараёни кўп жиҳатдан мулкдорлар синфини шакллантириш билан боғлиқ бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Бугунги ислохотлар жараёнидаги асосий вазифа изчил асосда жамиятда мулкдорлик, хусусий мулкчилик тамойилларини амалга оширишга йўл очиш, ушбу соҳага янада кўпроқ ёшларни жалб қилишга эришишдир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65 – моддасида бозор муносабатлари, мулкдорликнинг турли шакллари ва албатта хусусий мулк дахлсизлиги каби масалалар алоҳида кўрсатилган. [1]

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

1. Мазкур масалани ёритишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳамда ёшлар масаласида қабул қилинган қонунлар аҳамиятлилик даражаси беқиёсдир. Жамият тараққиёти давомида қонунлар ислохотлар билан ҳамоҳанг янгиланиши бу табиий ҳол ҳисобланади. Шу билан бирга давлат раҳбари ва ҳукумат раҳбарияти томонидан қабул қилинган Фармон, фармойиш, Қарорлар тадқиқ қилинаётган мавзу учун ҳуқуқий манбаадир. Ҳуқуқий манбааларга назар солганда, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда ёш авлоднинг янги жамият ва демократик давлат қуриш бўйича ислохотларнинг натижадорлиги ва бардавомлигини таъминлашдаги ўрни ва масъулиятини ошириш масалалари ҳозирги замоннинг устивор йўналишига айланиб бораётгани сир эмас.

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатда ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва улар фаолиятининг амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги аҳамияти билан боғлиқ масалаларга янада кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга келиб бу соҳадаги давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида туб бурилиш юз берди. Ушбу йўналишда Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қабул қилган қарорлари, фармонлари ва маърузалари манбаа ва услубий асос вазифасини баджаради. Хусусан 2016-йилда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишининг аҳамияти, бунда давлатнинг асосий қонун-қоидалари ўз ифодасини топгани ушбу муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиддиқов Н. томонидан тайёрланган ва чоп этилган мақолаларда мамлакатда ёш мулкдорлар синфини шакллантириш учун бажарилиши керак бўлган бир қатор вазифалар келтирилган.. Мақолада мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, мулкдорлар синфини шакллантириш, айниқса, ёш тадбиркорларга шарт-шароит яратиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб

ўтилган. Шу билан бирга, ўрта ва кичик бизнеснинг ёш вакилларининг ишбилармонлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, масъулиятини ошириш бўйича тавсиялар берилган.

### **НАТИЖАЛАР**

Бугунги кунга келиб ёшлар омилини янада фаоллаштириш, унинг салоҳиятини кенгрок юзага чиқариш бўйича ишларнинг юксак самарадорлигига эришишгина кўзланган мақсадларга етишнинг кафолати бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикри ушбу долзарб жабҳанинг асосий мезонларини белгилашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга: “Ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий маданият, соғлом турмуш тарзини, жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишга қаратилган ишларнинг самарасини оширишни бугун даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бу борадаги дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижроси яқинда янгидан қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун нормалари асосида қатъий давом эттирилади. [2]

Ушбу масала яна бир бор бугунги кундаги ёшларга доир фаолиятнинг асосий мезонларини, умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш, ундан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш, ёш авлод камолоти билан узвий боғлиқ бўлган ва демократик ислохотлар самарадорлигини оширишга йўналтирилган омилларни янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш вазифаларининг моҳиятини аниқлатади.

Шу маънода, ҳозирги даврга келиб, мамлакатимизни янгилаш ва янада демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида ёшлар тарбияси ва таълимига уларни камолга етказишга доир фаолиятни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” [3]

Қарори муҳим аҳамиятга молик тарихий ҳужжатдир. Мазкур Қарорда бошқа бир қатор жиҳатлар билан бир қаторда, (бу борада миллий ғоялар тизимининг антисубстанционаллашиш жараёни қандай рўй бераётганини яққол кўрсатадиган) айрим муаммолар сақланиб қолаётганлиги ҳам қайд этилган. Хусусан:

биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий

таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғараклари, спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

олтинчидан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда. [3]

Маълумки, мамлакатимизда ушбу соҳадаги бу тахлит муаммоларни ечишда бир неча йиллар давомида фаолият кўрсатган ва давлат томонидан қўллаб-қувватланган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мавжуд бўлди. Афсуски, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлагани каби, ўтган йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшлар масалаларини, авваламбор уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда йўл қўйилаётган совуққонлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш масалаларини тўла-тўқис ҳал эта олмади.

Камолот (2017 йил 14 сентябрдан бошлаб «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» деб ўзгартирилган) ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнда бўлиб

ўтган IV Курултойида, айнан ана шу масалалар, айниқса глобаллашиб бораётган бугунги дунёдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати қандай амалга ошириляпти, бу соҳада қандай муаммолар бор, уларни қай тарзда ҳал қилиш керак, ёшлар ташкилотининг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозим, деган масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Нутқда таъкидланганидек, бундан 16 йил олдин ташкил этилган «Камолот» бутун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмади. У асосан ўз атрофида Ҳаракат фаолиятига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб борди. Натижада ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмади.

Натижада юртимиздаги минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда нафақат «Камолот»нинг, айна вақтда давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолмоқда. Бунинг оқибатида уюшмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бормоқда. Ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. 2016 йилда ёшлар иштирокида 1 миллион 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 минг 440 та жиноят содир этилгани, ёш оилалар ўртасида 8 мингдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилгани ана шундай салбий ҳолатлардан далолат беради. [4]

Бу эса, ўз навбатида, 2017 йилга келиб, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилишига сабаб бўлди. Илгариги ташкилотлардан мутлақо фарқ қиладиган тамойиллар асосида ишлаши назарда тутилган мазкур ташкилот ёшларнинг жамият билан ўзаро муносабати ёшларга оид сиёсатнинг муҳим бўғинига айланиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларига янада кенг жалб этилиши, ёшларда шубҳасиз равишда мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришга алоҳида эътибор бериши лозим.

### **МУҲОКАМА**

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги каби Фармонлари бу соҳадаги юқорида кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф қилиш борасидаги фаолиятнинг назарий ва методологик асосларини белгилайди. Шу билан бирга, ҳозирги даврдаги бу соҳадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар, хусусан 2024 йилни «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши, ўтган йилларда бу соҳада тадрижий ва тизимли тарзда амалга оширилган туб ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Умуман олганда, бугунги Ўзбекистонда янги жамиятни қуриш<sup>1</sup> халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатни модернизациялашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ёшлар масъулиятини ошириш долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида муттасил ўзгариш ва тадрижий янгиланиш тамойиллари асосида чуқурлашиб бораётган ислохотларни амалга оширишда ёш авлод вакилларининг ўрни ва роли ортиб бориши замонавий жамият қуришнинг устивор йўналишлари сирасига киради.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизнинг жадал тараққий этиши ва янада обод бўлиши, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафидан муносиб жой олишини таъминлайдиган, жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш бўйича долзарб вазифаларни амалга оширишнинг янги босқичи бошланди. Бу жиҳатдан, бугунги дориламон давр талабларига мос янги авлодни тарбиялаш, юртимизнинг равнақи ва гуллаб яшнаши учун хизмат қиладиган ёшларни етиштириш, фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлиб етишиши бу соҳадаги давлат сиёсатининг долзарб вазифалари сифатида белгилаб олингани асло бежиз эмас. Президентимиз Фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги дастур ана шундан далолат беради.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор муносабатлари чуқурлашуви, демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши билан бугунги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос замонавий тафаккурни шакллантириш масаласи янада долзарблашиб бораётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини аниқ-тиниқ ифодалайди. Унда бугунги кундаги долзарб вазифаларни изчил ва тизимли равишда, босқичма-босқич амалга ошириш йўллари аниқ кўрсатилиб, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш ва ҳукумат томонидан ёшларга доир қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни янгиланиш ва ислохотлар жараёнига мос равишда, босқичма-босқич амалга ошириш;

- ёшлар сиёсатини юритувчи давлат ва нодавлат тузилмалари тармоғини кенгайтириш ва такомиллаштириш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги фаолиятини кучайтириш;

- Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш йўлида ёшларнинг ижодий имкониятларини тўлароқ намоён этишлари учун қулай шарт-шароитлар тратиш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

- ёшларни сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёшларнинг ўзларини кўпроқ жалб этиш, уларга ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўникмаларини шакллантириш.

Бу борада айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнида ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб ўстириш, уни энг замонавий интеллектуал билимлар билан таъминлаш, маърифатлилик даражасини янада кучайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.”

[5]

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуқлигига, миллий ўзлигини қанчалик



чукур ва мукамал англаб олганликларига ҳам бевосита боғлиқ экани шубҳасиз. Айни пайтда, давлат ва халқ ҳаётида ёшларга янада кенг йўл очиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш бу йўлдаги асосий вазифалар сирасига киради.

Бу борада, албатта замонавий иқтидорга эга ва мустақил фикрлай оладиган, дунёқараши ва тафаккури кенг ёшлар, жумладан, ўрта ва кичик бизнес соҳасидаги ижтимоий масъулияти юқори бўлган ёш мулкдорларни шакллантириш давлатимиз ва халқимиз келажагини белгилайди. Бу эса, ана шунга мос бўлган жисмоний соғлом ва маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканини англатади.

### **ХУЛОСА**

Бугунги тез ўзгараётган ва шиддат билан одимлаётган ҳаётнинг ўзига хос талаблари ўрта ва кичик бизнес соҳасида ишлаётган ёшларни камолга етказишда ҳам омилкор ва фаол ислоҳотчи бўлишни талаб қилмоқда. Ушбу йўналишдаги серқирра фаолиятда янгиланиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериш ва давр билан ҳамқадам бўлиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш, истиқболдаги устувор вазифаларни аниқ-тиниқ белгилаб олиш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича изчил чораларни кўриш бу соҳадани ишларнинг устивор йўналишини белгилайди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, барча соҳаларда, жумладан ўрта ва кичик бизнес соҳасида ҳам ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ушбу йўналишдаги кенгқамровли ишларнинг устивор йўналишига айланди.

Ёш тадбиркорлар ва ишбилармонлар, ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланаётган йигит-қизларини ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш, шу соҳада ҳам кенг кўламли ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш бу борадаги фаолиятнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нақадар юксаклигидан далолат беради.

Буларнинг барчаси эса, келажакка муносиб фаол ва омилкор, тадбиркор ва ишбилармон, маънавий камолотга етган ёшларни тарбиялаш барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди, албатта.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘zbekiston”. 39-41 бетлар. Т.2023. 127 б.

2. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/acts/3026246>
3. “Ёшларни маънавий- ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора- тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 14.08.2018 йилдаги ПҚ-3907-сон
4. ““ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб – қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 21.02.2024 йилдаги ПФ-37-сон
5. “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, 2017 йил 23 май, <http://www.president.uz/uz/lists/view/9661/4>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. –Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь
8. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. - Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль.
9. Nishonalievich, Siddikov Nurali. "TODAY'S GENERATION OF ENTREPRENEURS AS A SUBJECT OF HIGH SOCIAL RESPONSIBILITY: TODAY'S GENERATION OF ENTREPRENEURS AS A SUBJECT OF HIGH SOCIAL RESPONSIBILITY." Central Asian Journal of innovations and research 4 (2022).
10. Сиддиков, Н. Н. (2020). СОЦИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ МОЛОДЫХ СОБСТВЕННИКОВ В СФЕРЕ СРЕДНЕГО И МАЛОГО БИЗНЕСА. Социосфера, (1), 57-61.
11. Aliev, B. (2023). Types and stages of the fight against corruption. World Bulletin of Social Sciences, 22, 63-65.
12. Aliyev, B. (2022). Quдрat va farovonlik omili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(3), 1171-1182.
13. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.

14. Саифназаров, И. (2022). Pragmatizm tadbirkorlik falsafasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 924-929.
15. Маматқулов, Ш. Т. (2022). Ёшлар фаоллигини шакллантириш механизмлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 985-993.
16. Mamatkulov, S. (2024). Some Aspects of Increasing the Social Activity of Young People in Uzbekistan (Harmony of National and Foreign Experience). *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 5(1), 116-135.